

## ҲАҚИҚИЙ ИЙМОН

15:35 / 28.04.2017 3076

Бугунги кунимизга назар ташлаб, ибратли воқеаларнинг деярли ҳар кунини содир бўлаётганини кўрамиз. Аммо бугунги дастуримизда яқин ўтмишга сайр этиш ниятимиз бор. Шояки, бугунги кун болалари ушбу воқеадан ўзларига етарлича ибрат олишса...

Шўро даврида илм аҳлига нисбатан қандай муомала бўлганини ҳамма билади. 37-йилларда эса худосизлар давлати озгина арабий саводи бор кишиларни ҳам битта қўймасдан қириб юборгани манбаларда келтириб ўтилган. Келинг, ана шундай воқеалардан бирини эслаб ўтайлик.

Бизга ушбу воқеани тошкентлик биродаримиз айтиб берган. У киши эса собиқ иттифоқ даврида ревизия ишлари билан шуғулланган дину диёнатли бир инсондан эшитган экан. Келинг, ривоятни сўзлаб берган эгасидан тинглайлик.

... 80-йиллар охирида ревизия ишлари билан Ўзбекистон вилоятларининг кўпига сафар қилардик. Ана шундай сафарларнинг бири Бухорога қаратилди. Йўлга тушдик. Табиийки, меҳмонхонада дам олиш кўпчиликка ёқмайди. Ҳар ким турли вилоятда ўз танишини излайди. Бухорода ажойиб бир дўхтир танишимиз бор эди.

Дўстлар билан келишиб, ана шу инсон уйида дам олишни режалаштирдик. Собиқ иттифоқ даврида инсонларнинг динга бўлган эътиборини ҳамма билади. Айниқса, тиббиёт соҳасида фаолият юритган кишилар "дин-афюндир!" шиорига қаттиқ амал қилган ҳолда иш қилишарди. Лекин биз қўнган манзил эгаси исломдан хабари бор, шароитларимизни динимизга мослаб қилиб берди.

Кечқурун хонадон соҳиби билан суҳбатлашиб ўтирганимизда, Тошкентдан келган шерикларимдан бири дўхтирдан сўраб қолди:

- Кечирасиз, биз диёнатли дўхтирларни кам кўрганмиз. Сиз анча-мунча илмли ҳам кўринасиз. Ислом динини ўрганишингизга нима сабаб бўлган.

Бу савол дўхтир ошнаимизни озгина ўйлатиб қўйди ва тўпланганларни узоқ-узоқларга сафарга олиб кетди.

Қиблагоҳимиз оилада тўнғич фарзанд бўлганлар. Бир укалари бўлган. Аллоҳнинг тақдири билан ака-ука отасиз қолишганида, падари бузрукворимизга оилани боқишдек улкан вазифа юклатилган. Амаким жуда ёш, шу билан биргаликда, ўта қобилиятли киши эдилар. Отам турмуш тақозоси билан мадрасада илм ола билмадилар, оилани боқиш учун ёшликнинг қайноқ даврларини заҳмату меҳнатга алишдилар. Бироқ, бир оиладан бир илмли чиқиши керак, деб амакимнинг сарф ҳаражатини кўтариб, Бухородаги Мир Араб мадрасасига бердилар. Амаким бир неча йиллар ўқиб олим бўлиб етишди. Афсуски, репрессия даври бошланганида, отилиши керак бўлган кишиларнинг рўйхатида амаким ҳам бор эди.

Бир куни уйда ўтирганимизда, НКВДнинг одамлари келишди. Улар ўша пайтда кимни олиб кетишса, ўша кишининг жанозасига тайёргарлик кўриларди. Дарвоза олдида отам бордилар. Чиқдилар ва НКВДга ўзларини амакимнинг исмларини айтиб таништирдилар. Ҳозир кийиниб чиқай, деб уйга кирдилар. Биз амаким билан отамни кутиб ўтирардик. Отам келиб амакимга шундай дедилар:

- Ука, сизга Аллоҳ таъоло ўз неъматини - илмни ато қилди. Одамларнинг сизда катта ҳақлари бор. Биз эса оддий бир савдогар бўлиб яшадик. Шу боис, ҳозир мен сизнинг ўрнингизга кетаман. Ўзингизнинг болаларингизга қўшиб, менинг аҳл-у, фарзандларим ҳам сизнинг зиммангизда. Бир амаллаб Аллоҳнинг илмини сақлаб қоласиз ва уни одамларга етказасиз, деган умидим бор. Агар кўришмасак, қиёматда дийдор бор. Аллоҳга омонат!

Охирги сўзлари шу бўлди. Отамни олиб кетганлар шу куннинг ўзида бир тепаликка олиб чиқиб отиб ташлашди. Амаким бошқа исм билан саломат қолдилар. Менга илм бердилар, фарзандлари олим бўлди, одамлар ҳам у кишининг илмидан баҳраманд бўлишди!"

Ҳикояни тингладингиз. Бу қандай ака-укачиликки, дин учун жонни ҳам алмаштириб юборилса. Йўқ, бу ака-укачилик ришталаридан кўра мустаҳкамроқ бир арқондир. Аллоҳнинг арқонини ушлаб қолиш учун жонфидолик, дейилади. Биродарлар, бугунги кунларимизгача динимизнинг етиб келишига мана шундай қурбонликлар бўлган. Ака ўз фарзандларига укаларини топшириб, отилиб кетаверган. Гарчи ўша зикр этилган ака илмли бўлмаса ҳам, олимликка даъво қилмаса-да, ислом нималигини кўпгина илмилардан кўра яхшироқ тушунган. Ҳис қилган, иймон келтирган. Шунинг учун ҳам ҳаяжонли лаҳзаларда унинг иймони, виждони НКВД ходимларига укани олиб чиқишга йўл қўймаган. Аллоҳу

Акбар!

Бугунги кун болалари бу воқеадан ибрат олишсин, таъсирланишсин ва дин учун шундай хизмат қилишсин. Ҳеч бўлмаганда, мана шундай соф фитрат ила яшаб ўтган боболаримиз ҳақиға ҳар намоздан сўнг дуои хайр қилиб қўйишсин.